


O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH VAZIRI

Ички ишлар вазирлиги
(П.Р. Бобожонов)га

“Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” дастурига мувофик фукаро Д.Абдуқосимовни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ички ишлар вазирлигининг таклифига розилик берилсин (2022 йил 12 августдаги 1/1440-сонли хат).

Х. Бердибаевга



2022 йил “ 12 ” август

25/13-37

13.08.2022 й.

ИИВ УНХ Bosh boshqarmasi		
Kirish raqami 12895		
19	08	2022

O'zR IIV TD Kotibiyat		
Kirish raqami № 242		
2022 "15" 08		
Varaqalar soni	Asosiy hujjat	Ilova
	2	-



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

100029, Toshkent shahri, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1-uy. web: www.iiv.uz, e-mail: info@iiv.uz, exat: iiv@exat.uz

1.1440

2022 йил "04" 01

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири
А.Н.Ариповга

Хурматли Абдулла Нигматович,

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2022 йил 17 июнь куни пойтахтимизда янгидан барпо этилган "Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази"га (кейинги ўринларда – марказ) ташрифи давомида марказда болаларнинг ижод билан шуғулланиш учун яратилган шароитлар билан танишди ҳамда машғулотларни кўзатди.

Давлатимиз раҳбари онкогематологик ёрдам соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва эришилган натижалар, оналик ва болалик муҳофазасини янада такомиллаштириш ҳамда тиббиёт ходимлари билан ўтказилган мулоқотда берилган топшириқлар ижросининг бориши юзасидан йиғилиш ўтказди.

Ташрифдан сўнг, марказда даволанаётган ўн нафар бола Президент номига ўзларининг келажакда қандай соҳа эгалари бўлишлари ҳамда орзулари битилган мактубларини йўллаган.

Жумладан, марказда даволанаётган Диёрбек Абдуқосимов ўз мактубида расм чизишга қизиқишини ва келажакда ички ишлар органлари ходими бўлиш орзуси борлигини билдирган.

Маълумот учун: Абдуқосимов Диёрбек Даврон ўғли 2010 йил 30 майда Тошкент шаҳар Бектемир тумани Меҳнатобод маҳалласида туғилган, 9-сонли мактабнинг 6-синф ўқувчиси, "Қон касаллиги тромбоцити" ташхиси билан даволанмоқда.

Мазкур мактублар асосида Президентимизнинг топшириғи билан жорий йил 30 июнь куни Президент маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов ҳамда мутасадди вазирликлар раҳбарлари марказга ташриф буюрди ва болаларга давлатимиз раҳбарининг жавоб мактубини ҳамда совғаларини топширди.

Бундан ташқари, Президентимиз томонидан Д.Абдуқосимовни Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг фахрий аъзоллигига қабул қилиш тўғрисида берилган топшириқлари асосида Ички ишлар вазирлиги томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, Д.Абдуқосимов "Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг фахрий аъзоллигига қабул қилинганлиги тўғрисида"ги Ёрлиқ ва "Йўл посбони" гувоҳномаси тайёрланиб, ИИВ ЖХД Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бошлиғи полковник О.Ч.Саидов томонидан имзоланди.

Маълумот учун: Ёрликда Президентимизнинг "Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз!" шiori акс эттирилиб, Д.Д.Абдуқосимов бугундан эътиборан Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг кўмакчиси эканлиги, ёшлар, айниқса вояга етмаганлар ўртасида Йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб қилишда ўз хиссасини қўшишига катта ишонч билдирилиши тўғрисида раҳбаринг қўрағон буюригидан

01-137

VAZIRLAR MAHKAMASI		
KEL №	13-37	
"	04	08 20 22 VII

2022 йил 30 июнь куни ИИБ ЖХД Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати раҳбарияти ва ходимлари марказга ташриф буюрди.

Марказ ҳовлисида Ички ишлар вазирлигининг Алоҳида намунали кўргазмали оркестри ҳамда 10 та патруль автомобили ("Малибу", "Жентра", "Кобальт" русумли автомобиллар ва Электромобиль), 2 та "Хонда" русумли патруль мотоцикли саф тортди.

Ташриф чоғида марказда даволанаётган болалар билан учрашувлар ўтказилди ҳамда Д.Абдуқосимовга "Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг фахрий аъзолигига қабул қилинганлиги тўғрисида"ги Ёрлиқ ва "Йўл посбони" гувоҳномаси, ДЙХХХ ходимларининг янги намунадаги хизмат кийими ЙХХХ бошлиғи О.Ч.Саидов томонидан тантанали равишда топширилди ҳамда китоблар тўплами, эсдалик совғалари тақдим этилди ва хизмат фаолияти ҳақида сўхбатлашилди.

Болаларга Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва "Tomosha" болалар мусиқий театр студияси томонидан тайёрланган сценарий асосида яратилган "Чорраҳа" номли спектакль намойиш этилди.

Ташрифни оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритиш учун ИИБ ЖХД Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати Ахборот хизмати томонидан материаллар тайёрланди.

Шунингдек, тадбирни ёритишга Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси матбуот хизмати, "Ўзбекистон-24", "ЎзРепорт", "Зўр ТВ", "Севимли", "Менинг юртим" каби телеканаллар таклиф этилди.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳар Бектемир тумани Меҳнатобод МФЙ 95-уйга бориб Д.Абдуқосимовнинг турмуш тарзи ва яшаш шароити ўрганилди.

Ўрганиш жараёнида Д.Абдуқосимовнинг оиласи ўртаҳол даражада эканлиги, мазкур хонадонда 6 киши (Ўзи, ота-онаси, бува-бувиси ва синглиси) истиқомат қилиши маълум бўлди. Хонадон тахминан 50-60 йил олдин қурилган, таъмирталаб, ювиниш учун ҳаммом мавжуд эмас, яшаш учун шароит паст даражада.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, врачларнинг тавсиясига кўра беморнинг соғайиб кетиши учун, уни бир кунда камида уч-тўрт марта ювинтириш лозим.

Яшаш шароитини яхшилаш учун хонадонни тўлиқ таъмирлаш, беморнинг соғлиғини бир маромда ушлаб туриш учун ҳаммом қуриш зарур бўлади.


Маълумот учун: Беморнинг отаси Д.Эргашев заводда ишчи бўлиб ишлайди, онаси уй бекаси, буvasи қоровул бўлиб ишлайди, буvasи нафақадор, синглиси мантаб ўқувчиси.

Баён этилганларни инобатга олиб, Д.Д.Абдуқосимовни даволаш, унинг уй шароитини яхшилаш (таъмирлаш) учун зарур бўлган ва бошқа харажатларни Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг моддий-техника базасини ривожлантириш, ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплашга руҳсат беришингизни сўраймиз.

Топшириқ ижроси юзасидан ахборот тариқасида киритилмоқда.

Ҳурмат билан,

Вазир



П.Р.Бобожонов

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД
ЙХХХ бошлиғининг ўринбосари,
хайъат раиси полковник

Э.Х.Бозоров

2022 йил «25» 10



МУХОКАМА БАЁННОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД ЙХХХ оталиғига олинган Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Мехнатобод МФЙ, 95-сонли уйнинг қайта қуриш(капитал таъмирлаш) учун лойиҳа смета-хужжатларини тайёрлаш мақсадида, ЖХД ЙХХХ томонидан 2022 йил 10 октябрь куни Республика товар-хом ашё биржаси сайти орқали(etender.uzex.uz) 22110012161573-сонли лот рақами билан танлов эълон қилинган.

Мазкур эълонда зарур хизматларни харид қилиш учун лозим бўлган техник кўрсаткичлар бўйича ва **18 000 000**(ўн саккиз миллион) сўм нарх билан ИИВ ЖХД ЙХХХ танлов хайъати томонидан 20.10.2022-йилдаги №161573-сонли баённомага асосан “Arxitektura yo`l loyiha”МЧЖ ғолиб деб топилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда “Arxitektura yo`l loyiha”МЧЖ раҳбари А.А.Давлатов ҳамма шартнома шартларига тўлиқ рози эканлиги ва башқа ташкилот ёки корхоналардан 20.10.2022-йилдаги №161573-сонли баённома юзасидан ҳеч қандай эътироз ва таклифлар келиб тушмаганлигини инобатга олиб “Arxitektura yo`l loyiha”МЧЖ билан шартнома тузиш мақсадга мувофиқ бўлиши бир овоздан келишилди.

Хайъат аъзолари:

ИИВ ЖХД ЙХХХ Ахборот хизмати
бошлиғи

А.Муродов

ИИВ ЖХД ЙХХХ Ташкилий бўлими
бошлиғи капитан

Ф.Ташкенбаев

ИИВ ЖХД ЙХХХ МваМТГБ бошлиғи
Подполковник

Б.Расулов

ИИВ ЖХД ЙХХХ ТНБ бошлиғи
ўринбосари подполковник

М.Шерлиев

хайъат котиби

ИИВ ЖХД ЙХХХ старшинаси
Сержант

Т.Намуратов

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 161573 на приобретение Лойиха смета хужжатларини тайёрлаш хизмати

Способ проведения электронный

Дата 20.10.2022

Время рассмотрения 20.10.2022 16:10

Закупочная комиссия ГУБДД МВД РУз, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	BOZOROV ERALI XABIBULLAYEVICH	Заместитель начальника СБДД ДОБ МВД	СБДД ДОБ МВД
Секретарь комиссии	NAMURATOV TULKIN NAJIMOVICH	Старшина	СБДД ДОБ МВД
Член комиссии	RASULOV BOBIR JALOLIDINOVICH	Начальник отдела	СБДД ДОБ МВД
Член комиссии	MURODOV AZIZXON NURXANOVICH	Начальник службы	СБДД ДОБ МВД
Член комиссии	TASHKENBAYEV FAZLIDDIN XUSNITDINOVICH	Начальник управления	СБДД ДОБ МВД
Член комиссии	SHERLIYEV MURODBEK ATABEKOVICH	Начальник отдела	СБДД ДОБ МВД

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 20.10.2022 года № лота 161573.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	Услуги по разработке проектно-сметной документации
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	22 000 000.00
Стартовая сумма	22 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иштирокчи томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза

Тип: Текстовое значение

Описание: Мавжуд / Мавжуд эмас

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ARXITEKTURA YO L LOYIHA	10	10	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МСНЖ						
ООО "BOBURBEK QURILISH"	10	иштирокчининг маълумотномаси	10	Экспертная		

Критерий №2 Танлаш иштирокчисининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида солиқ органидан олинган маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: иштирокчининг маълумотномаси асосида баҳоланади

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ARXITEKTURA YO L LOYIHA MSNJ	10	10	10	Экспертная		
ООО "BOBURBEK QURILISH"	10	иштирокчининг маълумотномаси	10	Экспертная		

Критерий №3 Танлаш иштирокчиси қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида, буюртмачи билан суд жараёни ёки арбитраж ҳолатида, инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида мавжуд эмаслиги ҳақида, шунингдек илгари тузилган шартномалар бўйича зарур даражада бажарилмаган мажбуриятларнинг йўқлиги тўғрисида кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Кафолат хати, Банкдан қарзи йўқлиги бўйича маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ARXITEKTURA YO L LOYIHA MSNJ	10	10	10	Экспертная		
ООО "BOBURBEK QURILISH"	10	иштирокчининг маълумотномаси	10	Экспертная		

Критерий №4 Техник топшириқ талабларига мувофиқ тақдим этилган маҳсулот намунаси сифатига кўра энг юқори балл билан баҳоланади.

Тип: Текстовое значение

Описание: Техник таклиф

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ARXITEKTURA YO L LOYIHA MSNJ	40	40	35	Экспертная		
ООО "BOBURBEK QURILISH"	40	иштирокчининг маълумотномаси	25	Экспертная		

Критерий №5 Танлаш иштирокчисининг умумий маълумоти ва тажрибаси ҳақида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: иштирокчининг маълумотномаси асосида баҳоланади

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ARXITEKTURA YO L LOYIHA MCHJ	10	10	10	Экспертная		
ООО "BOBURBEK QURILISH"	10	иштирокчининг маълумотномаси	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО "BOBURBEK QURILISH"	22 000 000.00	21 000 000.00 UZS	21 000 000.00	00.00	21 000 000.00	19.10.2022 17:18:44	17.14286
ARXITEKTURA YO L LOYIHA MCHJ	22 000 000.00	18 000 000.00 UZS	18 000 000.00	00.00	18 000 000.00	17.10.2022 11:19:21	20

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО "BOBURBEK QURILISH"	65	17.14286	82.14286
ARXITEKTURA YO L LOYIHA MCHJ	75	20	95

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 161573 от 20.10.2022 года на приобретение Лойиха смета хужжатларини тайёрлаш хизмати определила победителем:

ARXITEKTURA YO L LOYIHA MCHJ
302593890

и резервный исполнитель: ООО "BOBURBEK QURILISH" (206064250)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	BOZOROV ERALI XABIBULLAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	RASULOV BOBIR JALOLIDINOVICH	Согласен	
Член комиссии	MURODOV AZIXON NURXANOVICH	Согласен	
Член комиссии	TASHKENBAYEV FAZLIDDIN XUSNITDINOVICH	Согласен	

Член комиссии	SHERLIYEV MURODBEK ATABEKOVICH	Согласен	
---------------	--------------------------------	----------	--

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

«ARCHITEKTURA YO'L LOYIHA» МЧЖ кейинги ўринларда «ИЖРОЧИ» деб аталувчи директор номидан А.А.Давлатов асосида иш юритувчи бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД ЙХХХ кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб номланади О.Ч. Саидов номидан, устав асосида, иш юритувчи иккинчи томондан, биргаликда томонлар деб юритилувчилар куйдагилар ҳақида мазкур шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Ижрочи» ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилган спецификацияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД ЙХХХ томонидан кўрсатилган техник топшириқларга асосан сифатли хизмат кўрсатиш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» ушбу хизматларни кўриб чиқиб қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг катий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- 2.1.1. Бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- 2.1.2. Лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра куйдагиларни талаб қилиш;
- 2.1.3. Камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга дойир харажатларини қоплаш;
- 2.1.4. Шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- 2.2.1. Ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
- 2.2.2. Ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

2.3. Ижрочининг ҳуқуқлари:

- 2.3.1. Буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- 2.3.2. Буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4. Ижрочининг мажбуриятлари:

- 2.4.1. Ушбу шартномага мувофиқ Буюртмачи белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- 2.4.2. Ижрочи тақдим этилган техник топшириқларга биноан «Тошкент шаҳар, Бектемир тумани Мехнатобод МФЙ ҳудудида жойлашган 95-сонли уйни Қайта қуриш (капитал таъмирлаш)» объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни 1 иш куни мобайнида хизмат кўрсатиб бериш мажбуриятини ўз бўйига олади.

2.4.3. Ижрочи ўз зиммасидаги вазифаларни 2.4.2 бандда кўрсатилган муддатда бажара олмаса, муддатдан ўтган ҳар 1 кун учун шартноманинг умумий миқдоридан 0.04% тўловни Буюртмачининг ҳисобига қайтаради.

3. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси **18 000 000 (ўн саккиз миллион) сум, ҚҚС билан (с НДС)**. Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 % миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Ижрочининг ҳисоб рақамига келиб тушган санадан бонлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари

бажарилиши бошланади. Етказиб берган товарни тўлов ҳисоб-китоблари с/чет- фактура ва бажарилган ишлар далолатномаси имзолангандан сўнг Бюроумачи қолган 70% тўловни уч иш куни ичида амалга оширади.

4. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.2. Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.3. Бюроумачи томондан белгиланган 2.4.3. бандаги мудатни ИЖРОЧИ томондан бажара олмаган ҳолда кўрсатилган хизматни Бюроумачи қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш юзасидан келиб чиқадиган барча келишмовчиликлар тарафлар томонидан музокаралар ўтказиш йўли билан хал этилади. Агар тарафлар ўзаро муросага кела олмасалар, низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда “Ижрочи” жойланган жойдаги судга муурожаат этиш йўли билан хал этилади.

5.2. Мазкур шартномада қайд этилмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонуни ва бошқа тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар асосида хал этилади.

6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнгин, тошқин, зилзила, бошқа табиий офатлар, Экспорт ёки импортга тўсиқлар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги Қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳуқумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтда ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

6.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиш шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, сизиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

6.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Буидай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

6.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

6.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг қутилаётган санасидан 10 (ун) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг, ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашга талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Ижрочичи бажарилмаган мажбуриятлари учун Бюроумачидан олинган барча тўловларни Бюроумачига қайтаради ва Бюроумачи Ижрочининг бажарилган барча мажбуриятларини бўлиб тўлайди.

7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

7.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай қонунчи устунликларга ёки бошқа қонунчи мақсадларга эришини учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

7.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки

воситачилари пора бериш - олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги конунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топишган даромадларни ўзлаштиришга «қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

7.3. Ушбу Шартнома томонларининг ҳар бири бошқа томоннинг ҳодимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ҳодимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош торгади.

Ҳодимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуйидагилар тушунилади:

.. бошқа контрагентлар билан такқослаганда асосиз устуликларни тақдим этиш; ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш; амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш; ҳодим томонидан уз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

7.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга «қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабариомадан сўнг, тегишли томон ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

7.5. Ёзма хабарномада томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш-бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги конунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни режалаштиришга «қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослангирилиши лозим.

7.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадидилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

7.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга «қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагента ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

7.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни баргараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни кўллашни кафолатлайдилар.

7.9. Томонлар ушбу шартноманинг коррупцияга «қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган томоннинг ҳодимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Мазкур шартнома икки тарафлама имзоланган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

8.2. Шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 йилгача.

8.3. Мазкур шартноманинг 4.2.-бандида қайд этилган талаблар “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида бажарилмаган тақдирда, мазкур шартнома ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

8.4. Шартнома ҳар икки томон учун бир хил қонуний кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

9. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби

9.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар томонларнинг имзолари ва муҳри билан қўшимча қилинув тузилади.

9.2. Агар томонларнинг реквизитлари ўзгарган ҳолларда 3 иш куни ичида хабардор қилиб хат орқали

мурожаат қилиши шарт.

9.3. Шартноманинг 8.2. бандига кўра қўшимча келинув 2 нусхада тузилиб шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари лозим даражада бажармаган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

11. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ ИЖРОЧИ:

«АРХИТЕКТУРА УО'Л ЛОУИНА» МЧЖ

Тошкент ш. Чилонзор тумани

Чўпонота кўчаси, 28А уй

Телефон (90) 971 66 50

х/р: 2020 8000 9002 1672 4001

Тошкент ш. "Трастбанк" ХАБ Тошкент шаҳар филиали.

МФО:00850

ИНН:302 593 890

ОКЭД 71120

Директор:



А.А.Давлатов

БУЮРТМАЧИ:

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖХД ЙХДХ



О.Ч. Саидов

Армет

Алессия-
Е. Дауреева

Лойиҳа-смета ва қидурув ишларини бажариш учун

КАЛЕНДАР РЕЖАСИ

Т/р	Шартнома бўйича ишлар номи	Бажариш муддати	Ҳисоб-китоб нархи, сўмда
1	“Тошкент шаҳар, Бектемир тумани Мехнатобод МФЙ ҳудудда жойлашган 95-сонли уйни Қайта қуриш (капитал таъмирлаш)” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш	1 (бир) кун	ҚҚС билан билан 18 000 000 (Ўн саккиз миллион)

ИЖРОЧИ:

«ARXITEKTURA YO'L LOYIHA» МЧЖ


БУЮРТМАЧИ:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД ЙХДХ

Директор:



А.А.Давлатов



О.Ч. Саидов

2022 йил «27» октябрдаги

35-сонли шартномага 2- илова

Коррупцияга қарши курашиш бўйича АСОСИЙ ШАРТЛАР

Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига қафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Тараф Хукумат уйдан фойдаланиш бошқармаси ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракагларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

“1008”ишонч телефони;

Telegram-канали («@anticorbot»);

Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

Изоҳ: Шартномадаги ушбу шартлар “ярим қора” шрифтда баён этилади

ИЖРОЧИ:

«ARCHITEKTURA YO'L LOYIHA» МЧЖ

БУЮРТМАЧИ:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД ЙХДХ

Директор:



А.А.Давлатов



О.Ч. Саидов